

## МАМЛАКАТИМИЗДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСЛАРИ

Сафаров Ўлмасбек Султон ўғли  
ЎзДЖТСУ, ММТ 51-23-гуруҳ магистранти  
[ulmasbek.safarov0206@gmail.com](mailto:ulmasbek.safarov0206@gmail.com)  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12589317>

**Аннотация.** Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг бугунги кундаги ҳолати, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишида давлат-хусусий шерикликнинг роли, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик орқали ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга истиқболли лойиҳаларни амалга ошириши баён этилган.

**Калим сўзлар:** давлат, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлатхусусий шериклик, жисмоний тарбия ва спорт, давлат шериги, хусусий шерик, инвестиция лойиҳаси, танлов комиссияси.

## BASICS OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN THE FIELD OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN OUR COUNTRY

**Abstract.** The current state of public-private partnership in the field of physical education and sports in our country, the role of public-private partnership in the implementation of investment projects, the implementation of promising projects of socio-economic importance through public-private partnership in the field of physical education and sports are described.

**Key words:** state, public-private partnership in the field of physical education and sports, physical education and sports, state partner, private partner, investment project, selection commission.

## ОСНОВЫ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В ОБЛАСТИ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ И СПОРТА В НАШЕЙ СТРАНЕ

**Аннотация.** Современное состояние государственно-частного партнёрства в сфере физического воспитания и спорта в нашей стране, роль государственно-частного партнёрства в реализации инвестиционных проектов, реализации перспективных проектов социально-экономического значения через государственно-частный сектор. Описано партнерство в сфере физического воспитания и спорта.

**Ключевые слова:** государство, государственно-частное партнерство в сфере физического воспитания и спорта, физическое воспитание и спорт, государственный партнер, частный партнер, инвестиционный проект, отборочная комиссия.

**Кириш.** Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиб, давлат ва хусусий сектор (хусусий шерик)нинг замонавий ва энг самарали йўналишларидан бири бу давлат-хусусий шерикликдир. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги томонидан республиканинг маъсул вазирлик ва идоралар билан бигалиқда 2019-2021 йиллар ва 2022 йил январсентябр ойлари давомида умумий қиймати 12,4 млрд.доллардан ортиқ бўлган жами 423 та давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони 2-иловаси билан тасдиқланган Давлат дастурининг 105-бандига мувофиқ, давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга қиймати қарийб 14 млрд.доллардан иборат бўлган 154 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Жумладан, энергетика соҳасида 11 та, транспорт соҳасида 5 та, коммунал хизматлар соҳасида 3 та, соғлиқни сақлаш соҳасида 3 та, таълим соҳасида 6 та, Экология соҳасида 33 та, сув хўжалиги соҳасида 33 та ва бошқа ижтимоий соҳаларда 60 тани ташкил этади. Ушбу давлат-хусусий шериклик лойиҳалар туфайли соҳаларга замонавий хорижий тажриба ва технологиялар ҳам кириб келади.

Мамлакатимизда ҳам жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлатхусусий шерикликни ривожлантириш, давлат мулки бўлган бўш турган спорт обьектлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва спорт иншоотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 01 марта “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, **“давлат-хусусий шериклик”** - хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурсларни бирлаштириш ва хавф-хатарларни тақсимлаш мақсадида давлат шериги ва хусусий шерикнинг аниқ муддатга юридик расмийлаштирилган жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ўзаро самарали ҳамкорлиги деб таърифланади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларида олимлардан В.Сазоновнинг фикрича “Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари жадал ривожланаётган жамоатчилик билан алоқалар йўналишларидан бири бу спортдир” деб атаган.

Россиялик ёш олимлардан А. Цепелева илмий ишида Лондонда бўлиб ўтган 2012 йилги Олимпия ўйинларида “Спорт соҳасидаги давлат-хусусий шерикликнинг энг ёрқин намуналаридан” бири сифатида эътироф этади ].

Е. Галиева ва А. Магденко томонидан берилган таърифда, “Давлатхусусий шерикликни янада ривожлантириш ва унинг турли шаклларини қўллаш учун жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини қонун ҳужжатларида акс эттириш зарур” деб таъкидлаганлар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ислоҳотларниг ҳаётимиздаги улкан ўзгариш ва янгиланишлар ҳар томонлама ривожланишида давлат-хусусий шерикликнинг ўрни жуда муҳимдир. Давлат-хусусий шериклик соҳада Президентимиз томонидан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам давлат-хусусий шерикликнинг иқтисодиётимиз учун қанчалик муҳимлиги ҳамда ‘Маҳалла худудларида давлат-хусусий шериклик асосида спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка кўмаклашиш ва ўқитиш марказлари, тадбиркорлик обьектлари каби инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилсин” таъкидлаганлар.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш истагини билдирган хусусий шерик энг аввало танлов комиссиясига тегишли ариза беради. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида келиб тушган ариза, келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичida Танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Тақдим этилган аризада талаблар бузилганлиги ҳақидаги хабар ёзма шаклда, шу жумладан электрон ахборот тизими орқали хусусий шерикка жўнатилади. Хабарда қандай талаблар бузилганлиги, конунчилик ҳужжатларининг аниқ нормалари ва хусусий шерик кўрсатилган талаблар бузилишини бартараф этиб, ҳужжатларни давлат шеригига такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган аниқ муддат кўрсатилади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида давлат шериги тегишли ҳудуд ахолисининг эҳтиёjlаридан келиб чиқиб, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган таклифларни ўрганиш натижалари асосида давлат-хусусий шерикликнинг лойиҳасини амалга оширишни схемасини таклиф қилиши мумкин.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаси танлови ҳақидаги эълонда давлат шериги томонидан қуидаги маълумотлар акс эттирилини керак:

- давлат шеригининг номи, телефон рақами, пошта, шу жумладан электрон пошта манзили;
- обьект номи, жойлашган манзили, сони, тавсифи;
- давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш шартлари;
- давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш шаклларига қараб талаб этиладиган инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларнинг энг кичик ҳажми;
- танлов ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- танлов таклифлари қабул қилинадиган охирги муддат (куни ва соати кўрсатилган ҳолда).

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш, ҳудудлардаги фойдаланилмаётган ва бўш турган спорт обьектларини аниқлаш бўйича танловда қайта ташкил этилаётган, тутатилаётган ёки банкрот бўлаётган, молмулки хатланган дъявогарларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди. Танловда давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун энг мақбул деб топилган иштирокчи танлов ғолиби деб эътироф этилади. Шунингдек, танлов ғолиби давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ушбу Низомнида назарда тутилган муддатларда имзолашни рад этса ёки имзолашдан бўйин товласа, захирадаги ғолиб билан тегишли битим тузилиши мумкин.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўришимиз мумкинки, спорт иншоотларини қуриш хусусий сектор орасида энг оммабоп спорт заллари, шунингдек кўп функцияли марказларни яратишдир. Стадионлар ва спорт майдончаларини қуриш кўп ҳолларда давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат ва бизнеснинг инфратузилмаларни ташкил этиш ҳамда ижтимоий жиҳатдан муҳим хизматларни кўрсатишда давлат-хусусий шерикчилик ўзининг молиявий, технологик ва бошқарув ресурсларининг бирлашишидан иборатdir. Бундай ҳамкорликда

муносабатлар давлат ва хусусий компаниялар кооперацияси сингари барпо этилади. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномада иштирокчилар ўртасида хавфларнинг бўлиниши аниқ ва равshan қилиб кўрсатилиши шарт ва муҳимдир. Хусусий сектор тегишли маҳсулотлар ва хизматларни етказиб беришда бир хил даражада муҳимдир. Бундан ташқари, спорт анжомлари, кийим-кечак ва пояфзалларни сотиш фақат хусусий компаниялар томонидан амалга оширилади, бу ерда давлат секторининг улуши йўқ. Бу фирмалар, масалан, истеъмолчиларга чегирмаларни биргаликда тақдим этиш бўйича ҳамкорлик шартномаларини тузадилар ва клуб ҳудудида жойлашиши мумкин.

**Хулоса.** Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш зарурати Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш мамлакатимизда инфраструктурани яхшилаш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, пировардида мамлакат иқтисодиётини тараққий этиш имконини беришини ривожланган мамлакатлари тажрибасида исботлашмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик соҳасини ривожлантиришда, қонун билан мустаҳкамлашда, тендер савдоларини ўтказишда, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тузиш ва бошқаришда алоҳида эътибор берилса, соҳада амалга оширилаётган лойиҳаларимизнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсияларимиз қуйидагилардан иборат:

- давлат-хусусий шериклик асосида йирик лойиҳаларни амалга оширишда давлат томонидан хусусий шерикни қўллаб-қувватлаш мақсадида бюджетдан маблағлар ажратиш тизимини жорий қилиш;

- давлат томонидан хусусий шерикни қўллаб-қувватлаш мақсадида бюджетдан субсидиялар ажратиш тизимини жорий қилиш;

- давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида хусусий шерикка тижорат банклари имтиёзли тарзда кредитлар ажратиш ва х.к.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда ижтимоийиқтисодий вазият, инфляция ва бошқа жиҳатларни ҳам олдиндан кўра билиш талаб этилади. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, бундай лойиҳалар ҳаётга тадбик этилгач, соҳани олдинга тараққий этишига олдинга силжишига имкон яратади.

## REFERENCES

1. Балтаева И. Т. и др. USE OF VIRTUAL LABORATORIES TO CONDUCT FOOTBALL TRAINING //MODERN SCIENCE AND RESEARCH. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 709-718.
2. Jumayev U. X., Kazoqov R. T., Abdusalomov I. K. QUANTITATIVE EVALUATION OF QUALITY INDICATORS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 229-240.
3. Qutlimurotov I. X. et al. THE PROCESS OF ORGANIZING EDUCATIONAL ACTIVITIES OF STUDENTS AND MASTERING PERSONAL PROFESSIONAL KNOWLEDGE //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 869-879.

4. Солиев И. Р. и др. МОРФО-ФУНКЦИОНАЛ ВА АНТРОПОГЕНЕТИК ТАДЌИКОТ НАТИЖАЛАРГА КЎРА ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ИШЧАНЛИК НАТИЖАЛАРИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6.
5. Тажибаев С. С. и др. ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИ 2022 ЙИЛГИ ФУТБОЛЧИЛАР АНТРОПОМЕТРИК ЎЛЧАМЛАРИ ВА ТЕЗЛИК СИФАТИ ОРАСИДАГИ КОРРЕЛЯЦИЯНИ ЎРГАНИШ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6.
6. Тажибаев С. С. и др. 13-14 ЁШЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК-ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИ //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6.
7. Boltayeva I. T. et al. PERIODS OF PRODUCTION EDUCATION. THE PERIOD OF INITIATION, PREPARATION, ACQUISITION AND COMPLETION OF THE PROFESSION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 561-569.
8. Ganieva M. et al. THE UNITY OF TECHNIQUE, TACTICS AND STRATEGY IN TABLE TENNIS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 1175-1183.
9. Usmonova S. H., Akmurodov M., Kazokov R. THE INFLUENCE OF TEMPERAMENT ON THE CHOICE OF SPORTS ACTIVITIES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 63-70.
10. Umaraliyeva F. T., Kazoqov R. T. THE ROLE OF SPORTSWOMEN IN THE DEVELOPMENT OF SOCIETY AND IN THE DEVELOPMENT OF SPORTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 1124-1131.
11. Mustafayeva N. A., Kazoqov R. T. USING THE MAIN CHARACTERISTICS AND POSSIBILITIES OF THE ELECTRONIC SCHEDULE IN SOLVING ISSUES RELATED TO PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 1115-1123.
12. Kazoqov R. T., Axatov L. K. SPORT TOMOSHASINING ESTETIKASI. – 2024.
13. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
14. Umarov D. X. et al. NATIONAL MOVEMENT FOR THE DEVELOPMENT OF PRIMARY CLASS STUDENTS'PHYSICAL PREPARATION USING GAMES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 732-741.
15. Umarov D. X. et al. THE EFFECTIVENESS OF USING A SET OF SPECIAL EXERCISES IN ANNUAL PREPARATION TRAINING OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 742-753.
16. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
17. Turopovich K. R., Rixsibayevna D. S. ENHANCING ENGLISH LANGUAGE LEARNING THROUGH PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES. – 2024.
18. Kazakov R. T. et al. MULTIMEDIA SYSTEMS AND DISTANCE LEARNING TECHNIQUES IN SPORTS SOX //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 99-105.

19. Казоқов Р. Т. и др. МАМЛАКАТИМИЗ ЯНАДА ЮКСАЛИШИДА БОЛАЛАР СПОРТИНИНГ ЎРНИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 5-11.
20. Казоқов Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
21. Казоқов Р. Т. Кейс стади технологияларидан фойдаланиб талабаларнинг масофавий таълим технологиялари асосида педагогик маҳоратини шакллантириш //Замонавий футболни ривожлантириш тенденциялари: муаммо ва ечимлари. – Т. 11. – №. 1.
22. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
23. Murod o'g'li P. D. MAMLAKATIMIZDA JISMONIY TARBIYA VA SPORTNING RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI. – 2023.
24. Achilov O. H. TO INCREASE THE INTEREST OF ELEMENTARY SCHOOL STUDENTS IN SPORTS AND TO MAKE THEM REGULARLY ENGAGE IN SPORTS //Educational Research in Universal Sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 218-220.
25. O'G'Lи S. O. S., Nurullayev A. Q. THE ORIGIN AND DEVELOPMENT OF ATHLETICS //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMYJURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 10-15.
26. O'lmasbek S. MIDDLE LONG DISTANCE RUNNING //BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMYJURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 10-12.
27. Nurullayev A. Q., Ogli S. U. S. JUDO ACHIEVEMENT AT THE 2021 SPORTS COMPETITION AT THE UNIVERSITY //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 2. – С. 234-236.
28. Umarov D. X. et al. THE EFFECTIVENESS OF USING A SET OF SPECIAL EXERCISES IN ANNUAL PREPARATION TRAINING OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 742-753.
29. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.
30. Boltayeva I. T., Tashnazarov D. Y., Kazaqov R. T. TECHNICAL-TACTICS OF 13-14-YEAR-OLD FOOTBALL PLAYERS EFFICIENCY OF EDUCATIONAL ACTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 91-98.